



ТАНЯ КУЗГИ БУГДОЙНИНГ ФУЗАРИОЗ ВИЛТИГА ҚАРШИ ТАЖРИБА ОЛИБ БОРИШ УСУЛЛАРИ

Абдулхамидов Анваржон Алишер ўғли

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар
институтини мустақил изланувчи

anvarjon93@mail.ru

Андижон Ўзбекистон

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6969016>

ARTICLE INFO

Received: 01st August 2022

Accepted: 03rd August 2022

Online: 05th August 2022

KEY WORDS

Фузариоз, нав, касаллик,
зарар, потоген, вилт,
чидамлилиқ,
самарадорлик, ўсимлик,
микроорганизм, хосил,
самара, кузатув,
тажриба.

ABSTRACT

Андижон вилояти шароитида кузги бугдой навларини фузариоз вилти билан касалланиши зарари, таркалиши, уларнинг биологияси ва янги навлнинг фузариоз вилтига булган муносабати, чидамлилигини урганиш орқали кузги бугдойнинг чилаки навлнинг фузариоз вилтига таъсири ва унинг самарадорлигини аниқлаб, ишлаб чиқаришга керакли тавсиялар беришдан иборатдир.

Бугунги кунга келиб ва уйғунлашган усулларни олиб бориш билан кузги бугдойни фузариоз касаллигига булган чидамлилигини ортиши эвазига хосилдорликни купайтириш, сифатли хосил олиш табиий шароитдан келиб чиққан ҳолда кузги бугдойни фузариоз касаллигидан химоя қилишдан иборат. Дехкончиликдан маълумки, бу замбуруг бошка замбуругли касалликларга караганда хавфлидир. Бу касаллик билан 400 дан ортиқ ёввойи ва маданий экинлар касалланади.

Аммо шундай булсада, ҳозирги даврда бу касаллик кузгатувчи патогенни тупроқдан йук қилишда африм тадбирлар қулланилиши натижасида замбуругнинг усимликка таъсир кучини камайтириш орқали

кузги бугдойдан хосил олишнинг негизи булиб хисобланмоқда.

Дехкончиликда ҳар қандай экинлардан юкори хосил олишда қулланилган модданинг шу экинга нечоғлик касаллик кузгатувчига таъсирида касалланиш камайиши билан бирга хосилдорликнинг ортишига таъсир эта олган.

Шунинг учун биз олиб борган тажриба хисобига турли кимёвий моддаларнинг меъёрини касалланишнинг камайишига ва хосилдорликни ортиши диссертация ишининг максоди булиб қолган.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари шароитида етиштирилаётган кузги бугдой навларининг фузариоз вилтига қарши, атроф-мухитни зарарлантirmайдиган ва ифлослантirmайдиган юкори ва сифатли дон хосилини



етиштиришнинг асосий негизи булиб хисобланади.

Тажриба олиб бориш усуллари Дала тажрибаси Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти тажриба хўжалиги шароитида олиб борилди. Тажрибани

УзПТИ да кабул килинган «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (УзПТИ, 2007) ва Ўзбекистон усимликларни химоя қилиш илмий тадқиқот институтининг 1983 йил чоп этирилган услубий қулланма асосида олиб борилди.

Тажриба схемаси

1	2	3	4	1	2	3	4	1	2	3	4	1	2	3	4
Назорат	1% мис купораси	Спорагин 20 л/га	Бист к.с.-20 л/га	Назорат	1% мис купораси	Спорагин 20 л/га	Бист к.с.-20 л/га	Назорат	1% мис купораси	Спорагин 20 л/га	Бист к.с.-20 л/га	Назорат	1% мис купораси	Спорагин 20 л/га	Бист к.с.-20 л/га
Қ- 1				Қ- 2				Қ- 3				Қ- 4			

Тажриба хўжалигининг тупроги қумок буз тупрокдан хлорли кам шурланган булиб, сизот сувлари 2,0-3,0 м пастда жойлашган.

Тупроги кам гумусли булиб, минерал угит қулланилмасдан шу жумладан қишлоқ хўжалик экинларидан олиндиған юкори хосилдорлик олиб булмайд.

Тажриба қуйидаги схемада олиб борилди.

1. Назорат ҳеч қандай қимёвий мода қулланилмаган.
2. 1% мис купораси (эталон)
3. Спорагин 20 л/га а) 10 л найчалаш даврида
б) 10 л оммавий бошок чикариш даврида
4. Бист к.с. 20 л/га а) 10 л найчалаш даврида
б) 10 л оммавий бошок чикариш даврида

Тажриба 4 қайтариқ, 4 вариантдан ташкил топган булиб, барча вариантлар бир ярусга жойлаштирилган. Хар бир вариант 8 қатордан иборат булиб, 60 ли схемада уруғларни сеялка ёрдамида экилди. Хар гектарига 120-140 кг хисобида, об-хаво қулай даврда уруғлар экилди. 1 қаторнинг узунлиги 60 м булиб, 1та вариантнинг тутган урни 288 кв.м. Утган 2020 йилда Тая бугдой нави фузариоз билан 16,5-26,3% гача қасалланган.

2021 йил бу майдонга тажриба учун «Умманка» навининг 1-Репродукцияси. Қучат қалинлигини 1м²ли рамқадан фойдаланилган ва унинг ёрдамида қучатлар сони аниқланди.

Тажрибада хисобга олиш методикаси

Тажриба Ўзбекистон Республикаси ўсимликларни химоя қилиш илмий тадқиқот институти томонидан



услугий кулланма асосида кузги бугдойнинг ўсиши ва ривожланиши буйича вегетация давомида хар ойнинг 15 ва 1 санасида хисоблар олиб борилади, яни:

1. 1-апрелда
 - а) ўсимликларни буйи см.да
 - б) хакикий чин барглар сони
2. 15-апрелда
 - а) ўсимликларни буйи см.да
 - б) барглар сони
 - в) туплар сони
3. 1-майда
 - а) ўсимликларни буйи см.да
 - б) барглар сони
 - в) туплар сони
 - г) гуллар сони
4. 15-майда
 - а) ўсимликларни буйи см.да
 - б) барглар сони
 - в) букотланган ўсимликлар сони
5. 1-июнда
 - а) ўсимликларни буйи см.да
 - б) бошоклар сони
 - в) етиштирилган бошоклар сони
7. Барча вариант ва кайтариклардан олинган усимликлар сони хар бир вариантдан 100 тадан килиб олинган. хисобга олинган кузги бугдой тупларининг ўсув нуктасига этикеткалар илиниб то вегетация даврининг охиригача шу туплардан хисоблар юритилади.

8. Усимликлардан хар бир фазасида курук масса учун хар бир вариантдан 1-ва 3-кайтариклардан 10 тадан олиниб тортилиб чикилади.

9. Хосилни ўриб йиғиштиришдан олдин 1-ва 3- кайтариклардан бошоклардаги донлар сони саналади.

10. Вегетация даврининг охирида 1000 дон доннинг вазнининг охирлиги аникланади бунинг учун 1-ва вариантларда олинади.

11. Барча вариант ва кайтариклар буйича хосил уриб йиғиб олиниб, умумий хосилдорлик топилади.

12. Тажрибада кузги бугдойнинг фузариоз вилти билан касалланиши буйича 1 IV, 10 IV, 20 IV, 30 апрел, 10 май саналарида касалланган усимликлардан хисоблар юритилади.

13. Касалликни ривожланишини аниклашда тупрокдаги харорати буйича хисоблар юритилади.

14. Касалликни инкубацион даврини аниклаш учун хар 1 чи 3 кайтариклардан 5 тадан усимлик олиб инъекция килиб ўсимликни касалланиш муддатлари хисобга олинади.

15. Кучат калинлигини шоналашдан олдин рамкалар ёрдамида саналаб чикилади.

References:

1. Шоумаров Х.Б, Холмирзаев Д.К ва бошқалар “Мадан ўғит ва меёрларининг кузги бугдой хосилдорлигига таъсири”
2. .Исаев С.Х “Таня бугдой дони кимёвий таркибининг ўзгариши ва сифат кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш”
3. Турсунов.С, Қирғизбоев.С “Кузги бугдойни экиш муддатларини унинг махсулдорлигига таъсири”



4. Якубжонов О.Й “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишда ресурсларни тежайдиган технологиялардан фойдаланиш ва экологик муаммолар ечими”